



XX-асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмига келиб советлар мамлакатининг ҳокимият бошқарув-идора тизимида ҳам кескин ўзгариш ҳоллари юз берди. Сталин аста-секинлик билан ўзининг яқка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш ҳаракатида бўлди. 20-йиллар охирида Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илғари сурилган “Сотсиализм мустақамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик қучайиб боради” деган гоё гайриконуний ҳатти-ҳаракатларнинг авж олишига олиб келди. Сталин ва унинг атрофидагилар мамлакат ва партия ҳаётига оид ҳар бир масалада ўз иродаси, ҳукмини бошқаларга мажбур этиб, ҳар қандай муҳолифатчи қарашларни, уларнинг ташувчиларини махв этиб бордилар. Шу тариқа, мамлакатда Ленин томонидан асос солинган тоталитар бошқарув тизимини Сталин янада қучайтирди. Бу тизимнинг мохияти шундаки, унда давлат бошқаруви марказлашган ва буйруқбозлик характериға эға бўлади. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маърифий соҳалар устидан тўлиқ давлат назорати ўрнатилади. Турли хил тарзда фикр, тафаккур юритиш, муҳолифатчилик ҳаракатларида бўлиш қатъиян ман этилади, сиёсий эркинликлар тақиқланади. Айни чоғда демократия бузилади, илғор, тараккийпарвар қучлар қатагонликка маҳкум этилади. Ҳукмрон партиянинг яғона иродаси, ўзбошимчилиги, чегара билмас зўравонлиги авжига чиқади. Мамлакатда тоталитар тузумнинг қарор топиши миллий совет республикалари ҳаётиға ҳам даҳл қилиб, уларнинг бутун инон-ихтиёрини Иттифок давлати тасарруфиға боғлаб қўйди. Бу Ўзбекистон тимсолида ҳам кўзға яққол ташланди. Аввало, республика ҳокимияти бошқарувининг ҳамма бўгинлари тўлиқ равишда СССР органлариға бўйсундирилди. Шунингдек, бу ердаги яғона раҳбар ташкилот – Ўзбекистон Компартияси ҳам ВКП(б)нинг таркибий қисми сифатида вилоят бўлими мақомиға туширилди. Бинобарин, ҳукмрон партия қабул қиладиган ҳар қандай қарору фармойишлар, раҳбарий қўрсатмалар республика партия ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий ва шарт эди. Сталинча маъмурий-буйруқбозлик тизими кўзға қўринарли ва кўзға қўринмас минг хил қизил иплар билан Ўзбекистонни ўз домиға қиритиб, унинг амалдаги расмий мустақиллигини ҳам йўққа чиқарган эди. Унинг маҳаллий раҳбарияти республиканинг иқтисодий, хўжалиқ, маданий-маънавий ҳаётиға оид бирор бир масала, муаммони мустақил тарзда ҳал этишға ҳақли, ҳуқуқли эмас эди.

Мустақид тузум Марказдан Ўзбекистонға ўзининг қўп сонли садокатли ходимлари, вақилларини раҳбарий лавозимларда ишлашға узлуқсиз юбориб турди. Улар ёрдамида ўлка ҳаётида қечаётган барча жараёнлар, ўзгаришлардан доимий ҳабардор бўлиб, маҳаллий кадрлар фаолиятини қузатиб, назорат қилиб борди.

Ўз халки, юртининг миллий манфаатларини химоя қилиб, унинг истикболини кўзлаб, ўзида куч-ирода топиб, бор хақиқатни айтишга журъат қилган миллат кишилари биринчи навбатда ҳукмрон Марказнинг қаҳру қаҳрига дучор бўлди. Катагонлик зулмқорлари, уларнинг гунаҳкорлари бир имо-ишора билан бундай юрт фидойиларини орадан олиб ташлаш, фаолиятини оғмачилик, бузгунчиликда айблаш, шаънига халқ душмани, миллатчи, аксилкичилик, буржуа малайларини сингари асоссиз бўхтонлар билан лаънат тамғасини тиркашга доимо тайёр турардилар. Бунинг ёркин ифодасини совет мафкурачилари томонидан тўқиб чиқарилган ва ўзбек миллий кадрлари шаънини булғашга қаратилган “ўн саккизлар гуруҳи”, “иногомчилик”, “қосимовчилик” деган сиёсий ишлар мисолида қўришимиз мумкин. Уларнинг ягона “гуноҳи” ўз миллати дарди, ташвиши ва манфаатини кўзлаб, айрим муҳим муаммоларни қўтарганлиги ва уларни халқ этишга юқорининг эътиборини жалб этганлигидир.

Хўш, “ўн саккизлар гуруҳи” таркиби қимлардан иборат бўлган? Улар совет мутасаддилари олдида қандай гуноҳ қилган эдилар? Республиканинг танлик арбобларидан ташкил топган бу гуруҳ (И.Хидиралиев, Н.Саиджонов, У.Ашуров, Р.Раҳимбобоев, Р.Рафиқов ва бошқалар)га тиркалган асоссиз айбга, уюштирилган тухмату бўғтонга қўра, гўё унинг аъзолари қўп масалаларда нотўғри йўл тутганлар. Аслида эса улар ҳукмрон Марказнинг улуг давлатчилик ва шовинистик сиёсатига, миллий кадрларга нисбатан беписандлик, лоқайдлик йўлига қарши чиқиб, адолат ва ҳаққонийлик тамойилларини химоя қилиб чиққандилар. Шу боис расмий партия органлари томонидан мазкур гуруҳ аъзолари қескин қораландилар ва улар ўз лавозимларидан олиниб, турли партиявий жазоларга гирифтор этилдилар. “Иногомчилик” гуруҳи тўғрисида гап борганда ҳам унга қўйилган барча айбларнинг тўлиқ тарзда тўқиб чиқарилганлиги аён бўлади. Маълумки, Раҳим Иногомов ЎзКП(б) МК Матбуот бўлими мудири ва ЎзССР Маориф халқ комиссари вазифасида фаолият юритиб келган. У 1926-йилда “Ўзбекистон зиёлилари” деган рисоласини эълон қилган. Рисолада октябр ўзгариши ўзбек халқи учун қутулмаган воқеа бўлди ва унга ўзбек меҳнатқашлари тайёр эмас, деган фикрларни ёзган. Шунингдек Р.Иногомов ўзининг бир қатор нутқларида Ўзбекистон Компартиясининг муқтачил фаолият юрита олмайётганлигига, Марказнинг назоратчи органларининг ўлка ҳаётидаги зўравонлигига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Республиканинг бир қатор маҳаллий партия, совет органлари масъул ходимларидан Н.Мавлонбеков, И.Исамухаммедов, М.Алиев сингари ҳаммаслақлар Иногомов қарашларини қўллаб-қувватлаб чиққандилар. Албатта, бундай муҳолифатчи қишлоқлар ҳукмрон партия мутасаддиларининг қаҳрига учрамасдан, жазоланмасдан қолмасди. Шу боис 1926-1927 йилларда бу гуруҳ фаолияти партия ташкилотларида бир неча бор муҳокама қилиниб, оғмачи гуруҳбозликда айбланди. Р.Иногомов ва унинг тарафдорлари вазифаларидан олиниб, номлари қораланди. Ўзлари эса тавба-тазарру қилишга мажбур этилдилар.

“Қосимовчилик” гуруҳи ҳам 1929–1930-йилларда совет ҳукмрон режими томонидан миллий кадрларни, зиёлиларни қатагон қилиш, жазолаш мақсадда атайин уюштирилган навбатдаги уйдирма бўлган. ЎзССР Олий Судининг раиси лавозимида ишлаб келган Саъдулла Қосимов ва унинг яқин маслақдошлари деб топилган Н. Алимов, Б.Шарипов қаби 7 киши 1929-йилнинг иккинчи ярмида қамолга олинадилар. Уларнинг атайин тўқиб чиқарилган “айблов иши”га сиёсий тус берилади. Бунга қўра, улар республикадаги миллатчи ташкилотлар билан алоқа боғлашда айбландилар, “босмачилик” ҳаракатига ён босганликда қораландилар. Бу гуруҳнинг 4 та аъзоси мана шундай

асоссиз айблар билан айбланиб, отиб ташландилар, колган 3 киши эса кўп йиллик камок жазосига ҳукм килиндилар.

Ўзбекистон равнаки, истикболи учун фидойилик кўрсатган Файзулла Хўжаев, Турар Рисулов, Абдулла Рахимбоев, Акмал Икромов, Исроил Ортиков, Абдулла Каримов ва бошқа ўнлаб номдор махаллий раҳбар кадрларнинг ҳаёт қисмати ҳам пировардида мана шундай фожеа билан якун топди. Мустабид тузум ҳукмдорлари ва улар гумашталарининг энг шимариб қилган “саъй-ҳаракатлари” натижасида 1937–1938-йилларда гўё Ўзбекистонда бир қатор йирик “аксил-инкилобий тузилма”лар борлиги тўқиб чиқарилди. Булар республика раҳбарлари А.Икромов ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксилинкилобий маркази”, Абдурауф Кориёв раҳбар бўлган “Мусулмон рухонийларнинг миллатчи-исёнчилар ташкилоти”, “Аксилинкилобий ўнг тротскийчи жосуслар ташкилоти маркази”, “Бухоро ва Туркистон бахт-саодати” номли аксилинкилобий ташкилот, И.Ортиков бошлик “Ёшларнинг аксилинкилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”, “Инглиз жосуслик резидентураси”, “Япон жосуслик-кўпоровчилик резидентураси” ва бошқалар бор эди. Энг сонги маълумотлар, тарихий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилишлар, суриштиришлар бундай ташкилотларнинг республика ҳудудида бутунлай бўлмаганлигини тасдиқламоқда. Демак, бундай “аксилинкилобий тузилма”лар катагонлик тузуми буюртмаси асосида Марказ жаллодлари ва жазо органлари томонидан атайин тўқиб чиқарилган. Бунинг оралигида минг-минглаб бегуноҳ, айбсиз инсонлар шафқатсиз жазоланган, азиз умрлари ҳазон бўлган.

Фақат 1937–1939-йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 43 мингдан зиёд киши камокка олинган. Улардан 6 минг 920 нафари отиб ташланган, 37 минг нафари эса турли муддатли камок ва сургунларга ҳукм этилган. Мустабид тузум жаллодларининг бу бедодликларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Яқин миллий тарихимизнинг бу қоронгу зулмати ҳалқимиз дилида мангу ўчмас армон бўлиб қолди. У фақат миллий истиклол туфайлигина тўла юзага чиқиб, бундан юртимиз фуқаролари чинакам рўшнолик кўрмоқдалар.

Совет режимининг катагонларидан миллий зиёлилар энг кўп азият чеқди, мислсиз қурбонлар берди. Негаки, бу режим мутасаддилари ўзлари жохил қимсалар бўлганлигидан илму маърифат, зиё аҳлини кадрлаш, эъзозлаш эмас, балки уларни ҳўрлаш, таҳқирлаш, керак бўлса йўқ қилишни ўзларига касб қилиб олгандилар. Шунинг учун Марказнинг ўткир шамшири ва пўлат қалқони ҳисобланган Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ), Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД) каби жазо органлари ва уларнинг жаллодлари учун илгор, тараккийпарвар зиёлиларни ҳибсга олиш, уларнинг фаолияти учун йўқ айбларни тўқиб чиқариш, уйдирмаларни “яшаш” ҳеч гап эмас эди. Энг ачинарлиси шуки, ўз элини жондан севган, уни қуйлаган, бой тарихи, бетакрор маданиятига мурожаат қилиб ундан асар битган, буюқ аждодлар номини тилга олган ватанпарвар ижодкорлар, илм-фан аҳли биринчилар қаторида қатлиомга дучор бўлди. 1929-йилда Мунаввар Қори Абдурашидхонов раҳнамолигида миллат равнаки ва истиклоли йўлида фаолият юритган, халққа зиё таратиб қелган “Миллий Иттиҳод” ва “Миллий Истиклол” ташкилотларининг 87 нафар аъзоси камокка олинди ва улар устидан суд уюштирилди. Уларнинг 15 нафари 1931-йилда Москвада отиб ташланди, қолганлари ҳам узок муддатли камок жазосига ҳукм қилинди.

Ўзбек адабиётининг устунлари бўлган, ноёб ижодлари халқ меҳрини қозонган Абдулла

Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир, Элбек (Машрик Юнусов), Махмуд Боту, Гоzi Юнус каби ажойиб истеъдодлар курук бўхтону тухматлар асосида “халк душманлари” сифатида жисмонан йўк қилиниб, ёркин фаолияти сўндирилди. Ахир уларнинг хар бири ўз миллатининг фахри, ифтихори даражасига кўтарилган, бекиёс ижоди, яратган бой мероси эътироф топган, хар канча хавас қилса арзийдиган инсонлар эдиларку!

Мустабид тузум фармондорлари айникса ўзбек халқининг миллий онги, тафаккурини ёритиш, унинг ўзлигини танитишга илк қалдирғочлар сифатида фидойилик қилган истиклол даргалари бўлган жади́дчилик намоёндаларини йўк қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Катагонлик қурбонлари орасида жуда кўплаб илм-маърифат, маданият намоёндалари бўлган. Ажабланарли жихати шундаки, Бухоро ва Туркистон республикалари ҳукуматининг ташаббуси ва саъй-харакати билан 20-йилларда хорижга ўқишга юборилиб, яхши мутахассислар, фан арбоблари бўлиб етишган кишилар атайин қатлиом қурбонлари бўлдилар. Агар Германия ёки Туркияда таълим олган бўлсалар уларга ўша мамлакатнинг жосуслари деган айб қўйилди. Германия ва Туркияда ўқиб, у ерда олган билимларини ўз республикасининг халқ хўжалиги, иқтисодийотини юксалтириш учун бахшида қилишга бел боғлаган Саттор Жаббор, Солих Мухаммад, Марям Султонова сингари ўнлаб билимдон ёш мутахассис кадрларга “чет эл жосуси” “халқ душмани” қабилдаги тавқи лаънат босилиб, катагон қилинган.

Инсон тақдири билан бу қадар ўйнашиш, уни чуқур суриштирмай энг оғир жазога маҳкум этиш – бу тоталитар тузум қонунбузарлиги ва қонхўрлигининг типик намунаси. Биз миллий истиклол даври қишилари жонажон юртимиз эрки, озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурашиб, сталинча катагонлик қурбонлари бўлиб қетган азиз ва муқаррам инсонлар хотирасини доимо қалбимиз тўрида сақламоғимиз қерак бўлади. Бу хар биримиз учун фарзу қарзидир. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Тошкентда катагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ушун 2000–2002-йилларда “Шахидлар хотираси” ёдғорлик мажмуи, “Катагон қурбонлари хотираси” музейи барпо этилди. Президентнинг 2001-йил 1-майдаги фармони билан 9-май қунининг “Катагон қурбонларини ёд этиш қуни” деб эълон қилинганлиги гоятда қувонарлидир. Бу ҳозирги миннатдор авлод қишиларининг ўтганлар, шахид қетганлар хотираси олдидаги эҳтиромининг умумхалқ ва умумдавлат эътирофидир.

Тоталитар совет режими бедодлиги ва зулмининг қаддан зиёд қучайиб қориши нақат юртпарвар миллий кадрлар, фидойи қиёлаларнинг ҳаёт тарзини, қисматини қавол топтириб қолмасдан, шу билан бирга миллионлаб фуқароларнинг оддий инсоний кадр-қиммати, ор-номуси ҳаёсизларча таққирланди. Қаддор тузум зулмқорлари ўз қайриқонуний ҳатти-харакатларини авж олдириб қорар эканлар, бунга хар бир инсоннинг юриш-туриши, қундалиқ машғулоти, муомаласидан тортиб то унинг қандай тафаккур юритишигача бўлган қамма қараёнларни ўз назоратига олишга интилганлар. Бундан қўзланган асосий мақсад эса инсонлар эрки, иродаси, қайл-қохишини қиловлаш, уни муайян қегара доирасида ушлаб туриш ва шу йўл билан баққирдор тузум шаънига доғ туширмаслик, унинг сохта обрў-нуфузини сақлаш, авайлаш эди.

СССРнинг “қолиб сотсиализм” Қонституцияси ва унга мувофиқ тарзда Ўзбекистоннинг Асосий қонуни қабул қилиниб, уларда инсон ҳуқуқлари, совет демократияси ақзалликлари тўғрисида лоқ урилиб, оламга қар қилинган бир қайтда республика

фукарolari мутлак кўпчилигининг оддий инсоний ҳуқуқлари, ор-номуси, виждони оёк ости килинганлиги, уларнинг ҳаёти ночор, таҳликали кўчганлигини қандай изоҳласа бўлади. Бу инсонлар коммунистик сиёсат ва мафкура ёлгонларига ишониб, порлок келажакка умид боғлаб, жонларини жабборга бериб, тер тўкиб меҳнат қилсалар, ўзларини сотсиализм ишига бағишласаларда, бироқ бунинг эвазига ундан беадад зулм-ситам кўрсалар! Республикада саноатлаштириш, қишлоқда жамоалаштириш, кулоқлаштириш ёки маданий инқилобни амалга ошириш жараёнида юз берган жиддий ҳатолар, бузилиш ва чекланишлардан каттик азият чеккан аҳоли табақаларини расмий ҳокимият органлари оммавий тарзда қувгин ва таъқиб қилишганлиги ва турли хил жазоларга тортганлиги ҳам бунинг асосли исботидир. Бунинг оқибатида XX-аср бошидан 40-йилларигача 450 минг ватандошимизга нисбатан “жиноий иш” очилганлиги, уларнинг ҳаёти остин-устун бўлиб кетганлиги ҳақиқатдир. Айниқса бунда қишлоқ дунёқараши, эътиқодини ўз измига бўйсундириш, уни янги коммунистик ахлоқ, атеистик тамойиллар руҳида шакллантириш учун жон-жаҳди билан ҳужумкор қураш олиб борган совет мафкурасининг республика меҳнатқашларининг маънавий ҳаётига етказган зарари беҳисоб бўлди. Халқ маънавий-руҳий ҳаётига асрлар оша муҳим ҳисса қўшиб қелган уламолар йўқ қилиб юборилди. Кўплари бегона юртларга бош олиб кетиб жон саклашга мажбур бўлди. Бундай қишлоқ бўлмас қабоҳатликлар оқибатида халқимизнинг не-не барҳаёт удумлари, маросимлари, анъаналари завоқ топди, унутишга маҳкум этилди. Фақат миллий истиқлол даврига қелибгина улар янқидан рўёбга қикиб, бугунги демократик воқелигимиздан муносиб ўрин топиб қормоқда.

Яна 30-йиллар воқеаларига қайтар эканмиз, бунда шу нарса қишини бениҳоя ажаблантирадики, у даврда инсонни қоралаш, унинг пешонасига халқ душмани тамғасини босиш тузум қолимлари учун ҳудди ҳамирдан қил сугургандек гап бўлган. Ҳатто шундай қолларга дуч қелиндики, республикадаги кўп қонадонларда вақти-вақти билан ўтказилган тинтув пайтида мабодо араб ёзувида босилган бирорта қитоб топилгудек бўлса, унинг номи, мазмуни сўраб, суриштирилмасдан ўша қонадон соҳибига қамиятга ёт унсури деган лаънат тамғаси босилиб, у қамок ёки сургун қазосига ҳукм этилаверарди.

Шундай қилиб, мустақил совет режимининг қатагонлари республиқамиз ҳаётининг барча соҳалари учун қонли қожеалар, беадад йўқотишлар, маҳрумликлар билан тўлиб-тошган давр бўлди. У миллионлаб одамларнинг тақдир-қисматида асоратли из қолдирди ва қисқисиз ҳунуқ оқибатларни юзага қелтирди. Шунга қарамай халқимиз ўз қуқилмас иродасини, матонатини намоеън этиб, ёруғ қунлар қелишига интиқиб, қурашиб яшади, қатлиомнинг ҳар қандай шиддатига дош бериб, ўз асрий қадриятлари, удумлари, расм-қусумлари, имон-эътиқодига содиқ қола қилди ва қамиша миллий истиқлол сари қадил ҳаракатланишда давом этди.

(Mas'ul muharrir: Nasrullaev Maxmud Ubodullaevich – (SamDU) dotsent, t.f.n.)